

Ватан манзаралари

ОБОД МАНЗИЛЛАР, ШОДОН КҮНГИЛЛАР

Қишлоғимиз қадимда Қораун деб аталган. Манбаларда қайд этилишича, "қора" сўзи туркий тилда "буюк", "катта" маъносини англатади. Умуман, бу ном ҳудуднинг бепоён кенгликлари, соҳаватли замини, ноёб табииати, аждодларимизнинг табдиркорлиги, она юртига садоқатига нисбатан юзага келган десак, хато бўлмайди.

Собик тоталитар тузум даврида кўплаб тарихий қадриятларимиз каби жой номлари ҳам тазйиққа учради. Бир неча йиллар мобайнида қишлоғимиз юртимизга умуман дахли бўлмаган номлар билан атаб келинди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўзлгимизни англаш, тарихимиз ва аждодларимиз меросини асраб-авайлаш борасида амалга оширилган изчил ислохотлар туфайли миллий қадриятларимиз қадр топди. Жумладан, тарихий жой номлари ҳам қайта тикланди. Бугунги кунда аҳоли сонининг кўпайиши ва ҳудудларнинг кенгайиши натижасида Қораун заминида бир неча қишлоқлар юзага келди. Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги Манзилобод қишлоғи улардан бири.

Тигиз жойлашган ҳовлилар, пастқам уйлар, чанг-тўзон йўллар, ҳовлилар этагига туташган пахтазорлар, қўча чангитган болалар... Булар қишлоғимизнинг болалик тасаввуримиздаги манзаралари.

Бугунги Манзилобод бутунлай ўзгача. Аҳолининг бахтли ва фаровон ҳаёти тимсоллари – кўркем иморатлар, замонавий андозалар асосида барпо этилган муҳташам мактаб, коллеж, қишлоқ врачлик пункти, савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, равон йўллар, боғлар, ризқ-рўз унган томорқалар қишлоғимиз тараққиётини яққол ифода этади.

Ислом Каримовнинг 1989 йил



17 августдаги қарори Манзилобод қишлоғи аҳоли ҳаётида ҳам ўчмас из қолдирди. Ўша йили қишлоқ ҳудудидаги илгари пахта экилган ўттиз гектардан ортиқ ер аҳолига томорқа ва уй-жой қуриш учун берилди. Бу истеъмол маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини озиқ-овқат билан таъ-

минлаш, турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Қишлоқда бугунги кунда олти юзга яқин хонадонда қарийб икки ярим минг аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуд инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор тижасида табдиркорликнинг

бир неча йўналиши ривожланмоқда. Оилавий табдиркорлик асосида чорвачилик, паррандчилик, асаларичилик билан шуғулланаётган оилалар даромади ортиб, фаровонлиги юксалмоқда.

– Илгарилари оила шароитида бирор ишнинг бошини тутиб даромад олиш мумкин-

лиги ҳаёлимизга ҳам келмаган, умримизни далада ўтказиб юраверган эканмиз, – дейди Холиқ Холбоев. – Оилавий табдиркорликка кенг йўл очилиши катта имконият бўлди. Хонадон шароитида қорамол боқшини йўлга қўйди.

(Давоми 2-бетда).

Қарор ва ижро

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ҚУЛАЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИ

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади – аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки кунларидан фуқароларни табиий ва суўлтирилган газ билан узлуксиз таъминлашга қаратилган кенг кам-роватли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Жумладан, соҳада изла-ниш, янги конларни ўзлаштириш ҳамда замонавий за-водларни ишга туширишга алоҳида эътибор қаратил-моқда. Хусусан, ноёб ер ости бойликларини эл-юр-тимиз манфаати йўлида ишлатиш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширил-моқда. Қорақалпоғистоннинг Кўнғирот тумани ҳудудида, Сурғил кони негизига бун-ёд этилаётган Устюрт газ-ки-ми мажмуаси шулар жум-ласидандир.

Мамлакатимиз Президентининг шу йил 23 январда парламент палаталари қўша мажлисидаги маъру-засида қабул қилинаётган конун ҳужжатларининг таъ-сирчанлигини ошириш, пар-ламент назоратини кучайти-риш масалалари хусусида алоҳида тўхталиб ўтилган эди. Айни пайтда бу борада Қонунчилик палатасида ти-зили ишлар олиб бори-моқда. Хусусан, қонунлар ижроси устидан парламент назорати янада самарали бўлишга эътибор қулайти-рилмоқда.

Парламентимизнинг қуйи палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ййилишида "Ўзтрансгаз" компанияси бошқаруви раи-сининг "Аҳолини табиий ва суўлтирилган газ билан таъ-минлаш бўйича амалга оши-рилган ишлар ва ривожла-ниш истиқболлари тўғриси-да"ги ахбороти тингланди. Ййилишида Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси депу-татлари, мутасадди вазирлик ва идора ҳамда "Ўзтрансгаз" компанияси тизимидаги кор-хона раҳбарлари ва омма-вий ахборот воситалари ва-киллари иштирок этдилар.

Тингловдан қўзланган мақсад аҳолининг табиий ва суўлтирилган газ билан қай-даржада таъминланганини таҳлил этиш, соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатларни тако-миллаштириш юзасидан тақ-лиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Республика Президентининг "Ўзтрансгаз" акционер-лик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижроси соҳада салмоқли натижаларга эришиш имко-нини берди. Бугунги кунда республикада табиий газ етказиб бериш 13,7 минг километр узунликдаги магистрал газ қувурлари, 25 та компрессор станциялари, 341 та газ тақсимлаш стан-циялари, 2 та газни ер ости-да сақлаш омбори орқали амалга оширилмоқда.

Истеъмолчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб қилишининг янги автоматлаштирилган биллинг тизими жорий қилинди ва UzPaynet ҳамда SMS-тўлов каби электрон тўловларнинг мобил тизим-лари билан бирлаштирилди. Шунингдек, суўлтирилган газ етказиб беришда ҳам салмоқли ишлар қилинмоқ-

да. Мазкур табдирга тайёр-гарлик кўриш жараёнида Қўмита соҳага доир норма-тив-ҳуқуқий база, тегишли статистика маълумотларини ҳам таҳлил қилди.

Ўрганишлар жараёнида соҳани ривожлантириш, йи-рик лойиҳаларни татбиқ этиш, аҳолини табиий ва суўлтирилган газ билан уз-луксиз таъминлаш, магис-трал газ қувурлари тизими ва газ тақсимлаш тармоқлари-да ягона техник сиёсат олиб бориш, бунда уларни техник жиҳатдан модернизация қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани кузатилди. Шу билан бирга, соҳада ўз ечимини қутаётган масалалар, фойдаланилмаган имкониятлар борлиги аниқ-ланди. Депутатлар соҳани янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор амалий тақлифлар беришди.

Ййилишида мазкур йўна-лишда амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда газ манбаларига ноқонуний уланлишларга чек қўйиш, газ тақсимлаш тизи-ми устидан назоратни янада кучайтириш, газ таъминоти тизими ҳодимларининг касб малакасини ошириш чора-ларини кўриш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, депутат ва иштирокчилар соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга оид конун ҳужжат-ларини янада такомиллаш-тиришга йўналтирилган тақ-лифлар билдирдилар.

Табдир якунида кун тар-тибидagi масала юзасидан Қўмитанинг тегишли қаро-ри қабул қилинди.

Ахкам УМАРАЛИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати.

Табдиркорлик

Чиноз туманида касб-хунар колле-жини тамомлаб, табдиркорлик йўли-ни танлаган ва бизнес лойиҳаларини амалга ошираётган ёшлар кўп. Туман марказида яшовчи Зарина Илёсова

тикувчилик цехини ташкил этишга ки-ришганида ҳали коллежда таҳсил олаётган эди. У пойтахтдаги махсус курсда ўқиб, маҳоратини оширгач, табдиркор бўлишга аҳд қилди.

ЗАРИНАНИНГ БЕЖИРИМ ЛИБОСЛАРИ



Бугун Зарина тиккан бежирим либослар каторида келин кўйлаклари-дан тортиб, турли хил оқшом либослари, пар-

да ҳамда ўсмирлар ва катталарнинг замонавий бичимдаги костюм ва пальтолари-гача бор. Маҳсулотлар чироили

дизайни ва арзонлиги билан миҳозлар эътиборини тортмоқда.

– Мамлакатимизда табдиркорликни йўлга қўйиш учун яратилган имконият ва имтиёзлар-дан мен ҳам самарали фойдаланмоқдаман, – дейди Зарина. – Мақса-дим – маҳсулот турини кўпайтириш. Шу ниятда банкдан кредит олиб, салонимизни янада кен-гайтирмоқчиман. Бундан ташқари, аҳолининг та-лаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, буюртмалар қабул қилишни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

Юлдузхон
МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

Долзарб мавзу

ТЎЙДАН АВВАЛ ЎЙЛАШ КЕРАК

Тўйи ўтганига тўрт ойгина бўлган Ойсара ҳозир ота уйида... Ҳеч кимни кўргиси келмайди, гапла-шишни истамайди. Шифтга тикилганча ҳаёл су-ради. Онанининг саволлари-ю, қуйди-пишди-лари ҳам бесамар. Ўз дардини яхши билгани учун Ой-сара турмушга чиқмайман, деб ҳар қанча обқ тирамасин, онаси Гулзира айтганидан қайтмади...

Уй ишлари билан овора бўлиб юрган Ойсара хона-сига кириб кетди-ю, бир соатлардан кейин чиқди. Юзлари қизариб кетган келинни кўрган Санобар опа хавотирланиб сўради:

– Қизим, яхшимисиз, то-бингиз қочди? Чарчаган бўлсангиз, бироз дам олинг.
– Йўқ, ойинжон, ҳаммаси жойида, сал қўзим илиниб-ди, – деди қайнонасининг

хавотирини пайқаган Ойса-ра.

Орадан икки кун ўтар-ўтмас бу ҳол яна қайтарил-ди. Бу сафар қирларни юв-гани кирган келин узок қолиб кетди. Тинчликми-кан, дея эшикни қоққанди, ҳеч ким жавоб бермади. Фурсат ўтгач, очилган эшикдан юзу қўзи қизариб кетган Ойсара чиқиб кел-ди. "Бошим айланиб, ҳушимдан кетибман, ойи-жон", деди у.

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси куни олдидан

ОНА ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси, 4-моддасидан.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она ал-ласи, она тилининг бе-такрор жозибаси билан сингишига эътибор қаратилган.

Республикамиз раҳба-ри Ислом Каримов та-шаббуси билан 1989 йил 21 октябрда ўзбек тили-га давлат тили мақоми берилган. Бу ўз даври-да оламшумул воқеа бўлган.

Ўтган йиллар мобай-нида ўзбек тилини дав-лат ва жамият бошқару-ви органлари иш юри-тувида жорий қилиш, унинг кенг имкониятла-рини юзага чиқариш борасида улкан ишлар амалга оширилди ва бу иш изчил давом этмоқ-да. Айниқса, ёш авлод-ни она тилимизга хурмат руҳида тарбиялаш, уни пухта ўргатиш ва кенг тарғиб этиш, халқаро миқёсдаги нуфузини оширишга алоҳида эъти-бор қаратилмоқда.

Ўзбек тилини, илмий асосда ривожлантириш-га қаратилган тадқиқот-лар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига ба-ғишланган ўқув қўллан-малари, луғатлар чоп этилгани жамият тафак-курини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Халқаро муносабатлар-да, фан соҳаларида она тилимиз кенг имконият-ларини тўлиқ намоён этаётгани ҳар бир ватан-дошимиз қалбини чек-сиз фахр-ифтихорга тўлдирди. Ўзбек тили-нинг замонавий илм-фан йўналишлари, ахборот-коммуникация техноло-

гиялари, иқтисодиёт, банк-молия тизимида кенг қўлланилаётгани унинг имкониятлари не-чоғли кенглигидан дало-латдир.

Мумтоз адабиётимиз-га оид тадқиқотлар қўла-ми кенгайди. Алишер Навоийнинг 20 жилдлик мукаммал асарлари тўплами чоп этилди. Беш жилдлик "Ўзбек тили-нинг изоҳли луғати" нашр қилинди. Мазкур луғатда ҳозир истеъмол-да бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирик-маси, фан, техника, санъат, маданият соҳа-ларига оид атамалар, шева сўзлари, тарихий терминлар жамланган. "Ўзбек тилининг имло луғати" чоп этилди.

Ўзбекистон Республи-касининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни ижро-си юзасидан Халқ таъ-лими вазирлиги Респуб-лика таълим маркази томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширил-моқда. Ҳар йили 21 ок-тябрь – ўзбек тилига давлат тили мақоми бе-рилган кун муносабати билан "Тилга эътибор – элга эътибор", "Ўзбек тили – давлат тили", "Одоб боши – тил" каби мавзуларда маънавий-маърифий табдирлар, илмий конференциялар ўтказилади.

Халқ таълими вазир-лиги томонидан октябрь ойида юртимиздаги барча умумтаълим мак-табларида ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича фан ойлиги ўтказиш анъ-анага айланган. Мақсад ёшларда она тилимизга бўлган хурматни юксал-тириш, мазкур фанга

(Давоми 2-бетда).

Болалар спорти

НЕПАЛДА ҚОЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛИШДИ

Юртимизда болалар спортини ривожланти-риш, барча шароитларга эга спорт иншоотла-рини барпо этиш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда республика Прези-дентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ри-вожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида" ги ҳамда "Ўзбекистон Болалар спортини ривож-лантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон-лари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қила-пти. Зеро, спорт Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, келажаги буюк давлат пойдевори-ни қуриш, дунёда ўзимизга яраша обрў эгал-лаш демакдир.

(Давоми 4-бетда).

– 8 ёшида автохалокат-га учраб, шу касални ор-тирди. Қўрсатмаган шифо-коримиз, қилмаган муола-жам қолмади, бари бефой-да кетди. Йилда бир мар-та бўларди, тез-тез қайта-лаётганининг сабаби ния-мада, хайронман, – дея роса кўзеш қилди қизнинг онаси. – Турмушга чикса, касали тузалиб кетади, деб ўйлагандим. Бунча бўлишини қаердан билар. Яккаю ягонагинам тўй кўрсин, келин бўлсин, дегандим...

(Давоми 3-бетда).

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

САБРНИНГ ХОСИЯТИ

Буюк файласуф Аристотель: "Кишининг кучи овқатдан, ақлнинг кучи эса кексаларнинг ҳикматида" деганидек, донишманд қарияларнинг ҳар бир сўзи, ўғит ва насиҳатлари инсон ҳаёти, унинг маънавий баркамоллиги учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳикмат сўзининг ўзи нуруний-

лар донолик ва ақл-заковат билан айтган, ўзгартириб бўлмайдиган чуқур маъноли гап демакдир. Кексаларнинг ҳар бир ҳикматли сўзи азият чекканларга тасалли беради, кўнгли вайрон инсонларга малҳам, маслаҳат, ёрдам излаганларга йўл-йўриқдир.

Шарқона одобнома-ларда таъкидланишича, йўлда кетаётган инсофли одам беҳосдан чуқурликка тойиб кетса, ўрнидан туриб, этак қоқиб кетавермайди. "Мен йиқилдим, бошқалар йиқилмасин", деб чуқурни текислаб қўяди, ё бирорта талекни сукиб, белги қўйиб кетади. Бинобарин, одамлар бошқаларни ўйлаб, беркилиб қолган булоқ кўзини очадилар, дарахт экадилар. Мендан кейин дунёга келувчилар ташналик азобини кўрмасинлар, очликдан, офтоб тигидан қийналмасинлар, деб шундай қиладилар. Ёки, масжид ва мадраса курадилар. Йўл солиб, қарвонсаройлар тиклайдилар. Токи ўзларидан кейин келувчилар ҳам имонли, или-маърифатли бўлсинлар.

Кексаларнинг ҳикмати ҳам ўша таёқ, ўша булоқ, ўша дарахт, қарвонсарой, ўша йўл, ўша кўприқдир. Донишманд кексаларнинг сабр-тоқат, қаноат ва шукроналик ҳақидаги насиҳат ва фойдали маслаҳатлари, ибратли ўғитлари алоҳида аҳамиятга эга. Улар ҳозирги авлод учун асрларнинг садоси, узок ўтмиш билан ҳамнафаслик ҳиссини уйғотувчи мангу қаҳриқ, намуна, йўл-йўриқ ва замон-

лараро кўприқдир. Доноларнинг юрак сатрлари, адоват, ношукрилик, ҳасад, фисқу-фасод, исрофгарчилик ва дабдабабозликлардан асровчи тўсиқдир. Зеро, эзгу мақсадларга етиш воситаси бўлган сабр, қаноат ва шукроналик манфаат қўл. У шундай гўзал хулқ-аъвоқнинг нишонасики, инсонни мурод-мақсадига етказиши. "Бориға рози бўлиб, шукр қилиб, йўғиға сабр қилиб яшайди", "Гулчи бир гулни ўстиргунча, юз тикан захрини тартади", "Тоқатлиға тоғ эгилар, сабрлиға бог эгилар" каби нақлларнинг моҳиятини тушуниб етиш ва амал қилиб яшаш энг гўзал хулқдир.

Бесабрлик, бетоқатлик, қаноатсизлик ва очқўзлик эса, кишини жохилликка ундайди. Ривоят қилишларича, у ака-ука сафарда кетатуриб, олтин тўла кўза топиб олишибди ва уни унга тақсимламоқчи бўлишибди. Лекин икки ака кенжа укани шерик қилишни хохламай, уни ўлдиришни режалаштиришибди. Ука ҳам олтинларнинг ҳаммасига эгалик қилиш ниятида акаларига тайёрланган овқатга билдирмай заҳар солиб қўйибди. Аввал укани ўлдириб, кейин

овқатланишга ўтирган акалар ҳам ўткир заҳар таъсиридан ҳалок бўлишибди...

Мен бир кишини билман, ўзига тўқ, қўша-қўша машинали, қўли гул тадбиркорлардан. Лекин, кимларгадир ҳавас қилибми, янада кўпига интилиб, хирс балосига мубтало бўлди. Дунёнинг энг улугъ неъматлари бўлмиш илм-маърифатга интилиб яшаш, сабр-тоқат, қаноатли бўлиш, камолда ҳам, заволда ҳам шукроналик кераклигини англаб етмади.

Бориға кўнибди, сабр қилмаслик, кимларгадир тенглашиб ёки ўзиб кетаман деб бегона юртларда сарсон-саргардон бўлиб юриш нодонларнинг иши. "Ўзга юртининг гулидан ўз юртининг ўли яхши", "Она юртининг тупроғи – она сутидек азиз", "Юрти бойнинг ўзи бой" деган нақлларнинг маъзи нақадар тўқ.

Демак, бесабрлик ва беканоатлик, ҳавоий нафс кишини ҳалокатга элтади. Мақсад ва муродга етказувчи сабр ва қаноат эса саодатманд ва доно кишиларга хос фазилатдир.

Эркин ҒУЛОМОВ,
республикада хизмат
қўрсатган ёшлар
мураббийи.

Чиноз туманида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ҳамда республика Президентининг "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида қарияларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уй-жойларини таъмирлаш, тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишни кучайтириш ва соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида нурунийларнинг асосий қисми тиббий қўриқдан ўтказилиб, 50 нафарига сыхатгоҳларга бепул йўлланмалар берилди, 5 кексанинг уй-жойлари ҳомийлар ёрдамида капитал таъмирланди, 30 нафар ёлғиз қарияларга 3 миллион сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди, эҳтиёжманд фахрийлардан 20 нафарига эшитиш мосламаси, ҳасса ва қўлтиқтаёқ, 2 нафарига ногиронлар аравачаси, 15 кишига



УЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

имтиёзли стоматология хизматлари кўрсатилди, 22 нафарига телевизор ва уяли телефон аппаратлари совға қилинди.

– Қишлоқ ва маҳалларда фахрийларнинг маданий дам олиши учун зарур шароитлар яратиб берилмоқда, – дейди "Нуруний" жамғармаси туман бўлими раиси Мираҳмад Давронов. – Хусусан, умумтаълим мактаблари ва коллеж ўқувчилари иштирокида "Нурунийлар эъзозимизда", "Кексаси бор хонадон – фойзал хонадон"

сингари учрашув ва маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива сингари тарихий шаҳарлар ҳамда пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига уюштирилаётган саёхатлар ҳам уларда катта таассурот қолдирмоқда.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА.
Суратда: "Нуруний" жамғармаси туман бўлими раиси Мираҳмад Давронов (уртада) фахрийлар билан.

Даврон АХМАД
олган сурат.

ҚУТБНИСА АЯНИНГ ҚУВОНЧИ

Пискент тумани "Бекобод" маҳалласида истиқомат қилиб келаётган Қутбниса момо бу йил 83 ёшга тўлди. Онахоннинг завқланиб айтган сўзларини тинглаб, уларнинг ҳар бири ёшларга ибрат ва сабоқ эканига тан берасиз.

– Қандай оғир кунларни кўрмадик, – дейдилар момо. – Ўшаларни ўйласам, бугунги дориларим кунларга етиб келганимизга шукр қиламан. Юртимизда ёшларимиз эътиборда, қарияларимиз эъзозу-ҳурматда. Айниқса, Кексаларни эъзозлаш йилида бизларга бўлган муносабат ва эъти-

бор янада кучайди. Фарзанду набиралардан ташқари маҳалла-қўй, ҳокимлик ва киллари ҳол-аҳвол сўраб туришибди, барака топишсин. Яқинда шифокорлар келиб, тиббий қўриқдан ўтказишди. Бизга яна нима керак. Илоҳим, юртимизнинг тинчлиги ва ободлигига кўз тегмасин!

Қутбниса момо чинакаки кексалик гаштини сурмоқдалар. Турмуш ўртоғи Ҳамид ота билан ниятларига етишди. Саккиз фарзандни элу юрт қорига ярайдиган қилиб тарбиялашди. Қўқ невар ва йигирмадан зиёд эваранинг севимили бувиси, давранинг тўрида кўр тўқиб ўтириб, оила жам бўлганда бугунги фароҳбахш кунларнинг қадрига етишни уқтирадилар.

Умида ҲИДОЯТХУҲАЕВА.

Ватан манзаралари

ОБОД МАНЗИЛЛАР, ШОДОН КҮНГИЛЛАР

Тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида "Халқ банки"нинг Қорақўл тумани бўлимида қиқ миллион сўм кредит олдик. Айни пайтда ишимиз янада кенгайди, даромадимиз ҳам шунга яраша. Ушбу касб-кор туфайли тўйлар қилиб, фарзандларимизни уйли-жойли қилмоқдамиз.

Қишлоқ аҳли томорқанинг ҳар қаричидан унумли фойдаланишга интилади. Ҳарқўчил ва иссиқ иқлим шароитида сувдан оқилона фойдаланиш тадбиркорлигининг асосий қалитидир. Бунинг учун арик-зовурларни тоза қаслаш, қудуқлар, ҳовузаларни ободлаштириш мақсадида оммавий ҳашар ўтказиш анъанасига айланган.

Манзилбодликлар уйларнинг атрофига қурилган ишқомини "толар" деб атайдилар. Янги қурилган иморатлар атрофига кўтарилган толарларни қўриб, боғбоннинг ҳам, уста-хунармандларнинг ҳам меҳнатига таҳсин ўқийди киши. Бир текис ундирилиб, ҳар бутасига маҳорат билан шакл берилган ишқомнинг сояси ҳовилларга фойдаланар беради. Шу кунларда айни болга тўлган узумнинг ҳар бир донаси олтиндек товланади.

– Ота-боболаримиз тол ва терахдан толар қураб, бу дарахтлар нисбатан чидамсиз бўлгани боис тез чириб кетарди, – дейди Тош бобо Рўзиев. – Бунинг устига сув танқислиги, қишлоқларни ривожлантиришга эътибор берилмаслиги ҳаёт сифатида жиддий таъсир этарди. Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати туфайли қишлоқда ҳам шаҳардан қолишмайдиган шароитлар яратилмоқда. Ҳалол хизмат қилган ҳар бир инсоннинг меҳнатидан баҳрамандлиги ошиб, турмуш оқибат бўлмоқда. Дастурхонларимиз тўкин, ноз-неъматлар бисёр.

Қишлоқдан бир қанча илм-маърифат намояндалари, машҳур спортчилар етишиб чиққан. Бугунги ёш авлод ҳам аждодлар анъаналарини муносиб давом эттиришга интилиб яшаётди.

Қишлоқдаги 25-умумтаълим мактаби истиқлол йилларида барпо этилган замонавий маърифат даргоҳларидан. Ушбу билим масканида таълим-тарбия ишларини юқори савияда ташкил этиш учун яратилган имкониятлар ёшлар камолотида муҳим омил бўлаётди.

Қишлоқ чиройига чирой қўшган замонавий иншоотлардан яна бири Қорақўл қурилиш ва миллий хунармандлик коллежидир. Мазкур коллежда ўқувчилар

назарий фанлар билан бирга тикувчилик, қурувчилик, ҳайдовчилик, зардўзлик каби хунарлар ҳам ўрганилмоқда. Мингга яқин йигит-қиз таҳсил олаётган ўқув муассасасида таълим ва амалиёт жараёнини ҳалқаро стандартларга мос тарзда ташкил этиш учун барча шароит яратилган.

Қишлоғимиз аҳли миллий урф-одатлар ва фольклор санъатини юксак қадрлайди. Нуруний бобо ва момолар аждодларимизнинг қўй-қўшиқларини юраги тўрида асраб, келажак авлодларга ўтказишга интилади.

Тўй ва бошқа маросимларни ўтказишда миллий қадриятларга риоя этиш жамоатчиликнинг доимий эътиборида.

Мамлакатимизда автосаноатнинг ривожланиши ҳалқимиз учун катта қулайлик яратмоқда. Юртимизда ишлаб чиқарилган машиналар кириб бормаган хонадонни топиш мушкул. Бугундан кўнгли тўқ, эртанги кунга ишончи юксалиб бораётган ҳалқимизнинг ўз турмушини янада обод этиш, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирishi интилиши қишлоқлардаги бунёдкорлик ишларида янада яққол намоён бўлаётди.

Манзилбодда илгариги пахса ва хом ғишт ўрнига пишиқ ғиштдан уй қуриш анъанасига кирган. Албатта, бундай иморатларни қуриш уста-хунармандлардан катта билим, маҳорат, сабр-тоқат, меҳнатсеварлик талаб этади.

Ёғочга ишлов бераётган моҳир усталардан бири Қодир Жўраевнинг иш жараёнини кўзатдим. Нақшинкор устунлар, уй шифтига ўзига хос тарзда жололанган манзаралар кўз олдида бой тарихимизни гавдалантирди.

Моҳир устага бу касб отаме-рос. У аждодларнинг анъаналарини сақлашни ўзининг фарзандлик бурчи, деб билади. Шу боис фарзандлари билан бир қаторда бир неча шогирдларига ҳам ўз хунарини ўргатиб келмоқда.

Уста билан сўхбатлашиб билдимки, бу йил ёш даврасининг ўзида биргина унинг жамоаси қишлоқда ўндан ортиқ хонадонларда қурилиш таъмирлаш ишларини амалга оширган. Ушбу уйларнинг аксарияти ёш оилалар учун барпо этилгани янада қувонарлиқдир.

...Яқинларим билан хайрлашиб йўлга отланар эканман, қишлоқ аҳлининг ойдин чохраси, бахтиёр табассуми, фараҳбахш шодияларнинг таассуротлари қалбимни тўлқинлантирди. Равон йўллар, обод манзиллар, "хали хайратларинг бундан-да ошади" деяётгандек эди...

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

ЯХШИ СЎЗ ЖОН ОЗИФИ

Юзларидан нур ёғилиб турган Раъно аянинг сўхбаты жуда мароқли. Гап-сўзларидан ёшларга зиё улашишдек машаққатли, шу билан бирга шарафли касб эгаси экани билиниб турибди.

– Тоқат қилсанг, тоғлар бошларга, бежиз айтишмас экан, – дейди Раъно ая. – Яхши-ёмон кунларни кўрдик. Шукрки, бари ортда қолди. Фарзандлар, неваралар ардоғидамиз. Юртимизда ҳам ёши улугъларга алоҳида эътибор қаратилаётгани бизнинг бахтимиз аслида.

Дарҳақиқат, кексаларни ҳурмат қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш жамиятимизнинг ўзига хос юксак маънавий ва маданий фазилатидир. Ўзбек халқига хос бўлган бундай фазилатлар истиқлол йилларида янада адл бўй кўрсатди.

– Ҳеч кимга дард бермасин экан, – дейди Раъно ая ҳаёл сурганча. – Баъзида дунёларга сизмга кетаман. Шунда фарзандларимнинг "бизга керакисиз онажон" деган сўзлари далда

бўлади. Аслида дардманд кишига энг кераги ҳам икки оғиз ширин сўз экан. Тунов кунни байрам муносабати билан ўқувчиларим келишди. Кўнглим тоғдек кўтарилди. Ишонасизми, яна ишлагим, болаларимга сабоқ бергим келди.

Раъно ая Тоирова Оққўрғон туманидаги 28-умумтаълим мактабидан салкам 30 йил ўғил-қизларга ҳарф ўргатди. Уларга қалб қўри билан бор меҳрини берди. Шунинг учун бўлса керак аянинг хонадони доим гавжум. Ўқувчиларнинг, маҳалла-қўйнинг кети узилмайди. Ҳатто, туман халқ таълими бошқармаси бошлиғи Тамара Аҳмедова ҳам аядан тез-тез хабар олади. Уларнинг сўхбатлари узок давом этиши эса, бир-бирларига бўлган меҳрдан далолат.

– Қариси бор уйнинг париси бўлади, – дейди аянинг катта қизи Гуличехра Тоирова. – Онам бизнинг ишончимиз, тоғдек суянчимиз. Ҳар ишда уларга таянаман, ўғитлари "Билан иш кўраман, дуоларини олишга интиламиз. Зеро, она дуоси бахт ва саодатнинг қалитидир.

Онаси парвариши билан банд Гуличехра опа билан сўхбатлашарканмиз, бу аёлдаги ўзига хос ғайрат-шижоат бизни хайрон қолдирди.

– Кунни кеча Халқ демократик партияси шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Йўлдошева келдилар. Онаминг қувончу шодлигини кўрсангиз эди. Дарвоқе, бизнинг "Шоҳрухия" маҳалласи диний маърифат, ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мавлуда Нишонава ҳам байрамларда ҳамиша хабар олиб, кўнгилимизни хушнуд этади.

Ирода ЛАЗИЗОВА.

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси кун олтиданОНА ТИЛИНИ ЎҚИТИШ
ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

оид билим ва кўникмаларни мустаҳкамлашдан иборат. Айни кунларда ойлик доирасида ўзбек тилига оид илмий-маърифий адабиётлар, луғатлар, дарслик ва қўлланмалар тақдимотлари ўтказилмоқда. Ёзувчи ва шоирлар, тилшунос ва адабиётшунос олимлар, санъат ва маданият намояндалари, маънавий тарғиботчилари иштирокида ташкил этиладиган адабиёт ҳафталиклари, ижодий анжуманлар, маърифий кечалар, турли қўриқ-танлов ва интеллектуал беллашувлар ёшларнинг ўзбек тили ва адабиётига қизиқишини ортирибгина қолмасдан, иктидорини юзга чиқариш, ижодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Республика Таълим маркази ташаббуси билан мамлакатимиздаги тилшунос олимлар ва услубчилар томонидан ўқув-услубий тавсиялар, адабиётлар чоп этилди. Хусусан, "Ўзбек тилини ўқитиш методикаси", "Она тили таълимида эътибор", "Нутқ маданиятини ўрганиш", "Тил ва адабиёт ўқитувчиларининг вазифалари", "Ўзбек тили" (мустақил ўрганувчилар учун), "Она тили фанидан плакатлар тўплами", "Ўзбек тили фанидан адабий-маърифий матнлар тўплами" каби қатор қўлланмалар яратилди. Жорий йилда ўзбек тили фанидан итисослашган мактабларнинг 5-6-синф ўқувчилари учун "Нутқ маданияти" ўқув қўлланмаси тайёрланди.

– Ўзбек тили ва адабиёт фани бўйича ўқув машғулотларига илғор педагогик технологиялар жорий этилаётгани таълим мазмуни ва сифатини ошириш, ўқувчилар билимининг янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, – дейди Республика таълим маркази филология фанлари бўлими бошлиғи Дилдора Нуриддинова. – Жорий йилда таълим рус ва қардош тилларда ўқитиладиган мактабларнинг 4-5-синф ўқувчилари учун "Ўзбек тили" ҳамда умумтаълим мактабларининг 5-синфлари учун

"Она тили" ва "Адабиёт" дарсликлари қайта нашр этилди. Марказимиз ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети олимлари ҳамкорлигида таълим қораллоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида олиб борилган мактабларнинг 2-синф ўқувчилари ва ўқитувчилари учун "Ўзбек тили" ўқув қўлланмаси мултимедиа иловаси билан бирга яратилди.

Марказ ташаббуси билан ҳар икки йилда ўтказиладиган ўзбек тили таълимини такомиллаштиришга йўналтирилган республика илмий-амалий конференцияси жорий йилнинг апрель ойида Навоий шаҳрида ташкил этилди. "Таълим жараёнида ёзма саводхонлиги оширишнинг асосий омиллари" мавзусидаги мазкур анжуманда ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини ошириш, она тили ва адабиёт фанини ривожлантириш учун АКТни жорий этиш ҳамда тўғри, раван сўзлаш маданиятини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тил ва адабиёт ўқитувчиларининг ижодкорлик ва ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, узлуксиз таълим тизимида ёзма саводхонлигини ошириш, дарслик муаллифлари билан мактаб ўқитувчиларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишда бу каби анжуманлар муҳим аҳамият касб этади.

Таълим масканларида "Она тили", "Адабиёт", "Ўзбек тили", "Одобнома", "Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари", "Тарих" каби ўқув машғулотларида ҳам ўзбек тили, унинг ривожланиш тарихи, қонуниятлари ва назарияси пухта ўргатилмоқда. Мактабларда "Она тилим – фахрим, ғурурим", "Тил – миллат қўзғуси" каби мавзуларда иншоолар танлови ўтказилиши анъана тусига кирган.

Дарҳақиқат, она тилимиз тақдирига, унинг келажак авлодларга соф ҳолда етиб боришига ҳар биримиз масъулмиз.

Азиза ҚИЁСОВА,
ЎЗА мухбири.

ЭЪЛОН

Солиқ тўловчи
жисмоний шахслар
диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287-моддаларига асосан эгалигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлар жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октяб-рига қадар этиб белгиланган. Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибиде мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси.

(Давоми. Боши 1-бетда).



Унда пардозлаш ускуналари, қоматни яхшилашда фойдаланиладиган жихозлар, гўзаллик салонлари ва клиникалари, СПА марказлари учун махсус асбоблар намоиш этилди. Шунингдек, атторлик, пардозандоз воситалари, экологик тоза озиқ-овқатлар ҳамда турли биологик қўшимчалар ҳам кўргазмадан ўрин олди.

Тақдимот тарзида ўтган кўргазмада Исроил, Франция, Хиндистон, Италия, Индонезия, Россия, Қозоғистон ва бошқа қатор давлатларнинг "Estel, L'Occitane en Provence", "Parfum Gallery", "Hollywood Style", "Fabienne", "Kallos Cosmetics" каби етакчи компаниялари иштирок этди. Қувонарлиси, улар

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Гўзаллик саноати – Beauty Uzbekistan" халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмани ўтказишдан кўзланган мақсад –

Ўзбекистон гўзаллик саноатини янада кенгайтириш, Европа давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириб, тажриба алмашишдир.

Сулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Илмира ЛАЗИЗОВА,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.

KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" MCHJ bo'shlaning bahosi
bosqichma-bosqich oshib borishi tartibida tuzatiladigan ochiq
aukцион savdosiga taklif etadiki!

Taqroriy aukцион savdosiga Utegela tumani
SIB tomonidan; 1) Xonjon ishlari buyicha Utegela
tumani sudining 07.08.2014. Iyadigdi №1-
251 sonli qarori asosida sotilgan; 2) tuzatilgan
narxi 2 155 355 598 so'm bulgan; Toshkent
shaxri, Utegela tumani, Fozilatela kuchi, 26-
iyulda xojalagan, umumiy maydoni 4048,6 kv.m.da
t. A.B.B.G.D.E.X.3.I.K.I.L.M.O.N.P.R.T. bloskida
laborat iborat bulgan "Ishlab chikarishi va osh-
mabxora binosi". (binosi) ishnotash ichida
bulgan. Binosi 1000 kv.m. maydonni egallaydi.
Bazmali so'zlashuv, qoznachiy sigimlashtirish va uning
hojizalari xamda jalozasalar) bilan birgalikda;
2) Xonjon ishlari buyicha Olmazor tumani sudini-
ing 17.12.2013 Iyadigdi kuni varakasiga
asos, bo'shlaning narxi - 130 850 432 so'm bulgan.
Toshkent shaxri, Olmazor tumani, Nobi
kasano kuchi, 23-iyulda xojalagan, umumiy
maydoni 487,0 kv.m.da iborat bulgan "Chex va
mashxora binosi" guylilikmo. Taqroriy auk-
цион savdolari 2015 Iyilning 30 oktabri kunni
soat 11.00 da Toshkent shaxri, Olmazor tumani,
savdunin 1000 kv.m. maydonni egallaydi.

bulib utadi.
Yusub savdolarda katnashish unun talab-
vor mulk bo'shlaning bahosinun 10 fozindan
kam bulganida zavlat pulni "KO'P
TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" MCHJning
ATB "Ilopteka bank" Shaxnotxoni bulayida-
gini 20208000104931635001 xisob ravqamiga
tushalari shert. MFO 00425, MIN 207128747.
OKUNSHI 83440.

Savdoga kuyilgan mol-mulkular binavilgini-
gini bulganida bulayilganing vaziri ishnotash
devisotiga xojiga chiqishi tanishishi mumin.
Aukцион savdolarda iboratish etish unun talab-
vorlardan ariza va bosha tegishli xojajalar
rasmiy ish kunlari soat 9.30 dan 17.00 gacha
kasul qiliniadi. Aukцион savdolarda ishnotash
bulgan talabvorlardan ariza va bosha
tishli xojajalarun kabul kuyishi kimoshdi savdo-
siga tuzatilishiga bir ish kunli kolandasi soat
17.00 da tuzatiladi.

Muroxazat unun manzil: Toshkent shaxri, Ol-
mazor tumani. Beruniy kuchi, 83-iy, 311-xona.
Telefonlar: 249-54-59, 249-53-61.
Fax: 249-53-61.

Болалар спорти

НЕПАЛДА ҚОЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛИШДИ

Бугун ўғил-қизлари-миз эришаётган ютуқлар билан фахрлансак арзийди. Олимпиада Мафтуна Тўракулова Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилаётган спортчилардан. У салкам 10 йилдан буён каратэнинг WKF тури билан шуғулланиб келмоқда.

– Дадамнинг айтишларича, буамлар полвон бўлган эканлар, – дейди Мафтуна. – Демак, спортга қизиқиш бизга аجدодлардан мерос. Каратэ билан шуғулланишимга онам бироз қаршилиқ қилган бўлсаларда, дадам мени кўлабқувватлади. "Ушалмаган орзуларим ижобатини фарзандларимда кўришни истайман" деб кўп таъкидлайдилар. Шундан бўлса керак, мен ва укам Азизбек каратэ билан шуғулланамиз.

Табиатдан хушбичим, хушмуомала бўлган Мафтуна

(Давами. Боши 1-бетда).

нанинг қайсидир жихатларида полвонларга хос хислатли кўриш мумкин. У ўз вазни ва қобилияти билан

тенгдошлари орасида кўпчиликти доғда қолдиргани ҳам бор гап. 2013 йилда Малайзиянинг Куа-

ла-Лумпур шаҳрида ўтган халқаро мусобақада биринчи, шу йили Туркияда бўлган Жаҳон чемпионати-

да 2-ўринни эгаллади. 2014 йилги Осиё чемпионатида эса биринчи бўлиш насиб этди. Шу йил бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида фахрли 3-ўринга сазовор бўлди.

– Қўлим жараҳатланмаганида биринчи ўринни эгаллаган бўлардим, – деди у.

Мафтуна Қозогистон, Россия, Малайзия, Хиндистон, Туркия, Сингапур каби давлатларда бўлиб, халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.

– Ҳар бир мусобақа мен учун жуда муҳим, – дея гапира давом этди спортчи. – Чунки мен устозларим меҳнати, ота-онам, халқим ишончини оқлашми керак. Малайзиядаги мусобақада қайтар пайтим непаллик мураббийлар улар билан ишлашни таклиф қилишди. Албатта, рад жавобини бердим. Негаки,

мен ўзбекман. Фалабам, ютуқларим ҳам она Ватанимники. Фурсатдан фойдаланиб, биз ёшларга мана шундай қулайликлар яратаятган Юртбошимизга миннатдорчилигимни билдираман.

– Мафтуна аниқ зарба бера олиши билан бошқалардан ажралиб туради, – дейди устози Фозил Худойназаров. – Қолаверса, у вазиятни тўғри баҳолаб, ўзини оз фурсатда ўнглаб олади. Бу нафақат каратэ, балки барча спорт турларида жуда муҳим саналади.

Мафтуна шуғулланаётган 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Шодия Эргашева, Хумора Йўлдошева каби иқтидорли қизлар каратэ сирларини ўзлаштиришмоқда. Уларга Азизхўжа Қосимов мураббийлик қилаяпти.

Ирода МАҚСУДОВА.
Кобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.



БЕРЛИНДА НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

Турли маълумотларга қараганда, Европа Иттифоқининг Америка ва Канада билан эркин савдо зонаси ҳақида битим тузиш режасига қарши намоийишда 100 мингдан 250 мингга яқин киши иштирок этди.

Норозилик юриши ташкилотчилари орасида муҳолифатчи сиёсатдонлар ва касабаси уюшмалари ҳам бор. Устун шаклидаги "Фалаба" ёдгорлигидан Бранденбург дарвозасигача, тахминан 2 километр бўлган кўча пийда-лар билан тўлди.

Анча вақтдан бери мамлакатда бундай кенг кўламда норозилик акти кузатилмаганди. Аҳоли АҚШ билан дунёдаги энг кенг, 800 миллиондан зиёд киши учун истисмо бозорига эга эркин савдо зонаси ҳу-су-сида битим тузишга қарши чиқмоқда.

Гап шундаки, тузилажак битимнинг шартлари жамоатчиликка маълум қилинмапти. Намойишчиларнинг фикрича, ушбу



битим меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва атроф-муҳит учун хавфлидир. "Менинг демократик ҳуқуқларим хавф остида, – дейди намоийишчилардан бири Мария Цазки. – Юқоридагиларнинг келишувлари "ёпиқ эшиклар" ортида бўлаяпти, расмий кишилар "ҳаммаси яхши бўлади" деб бизни ишонтиришмоқчи, айнан шу шубҳали ҳаракат бизни чўчятапти".

ҚУРБОНЛАР ИККИ ЮЗ ОЛТМИШДАН ОШДИ
АФР агентлиги тарқатган хабарда 1 октябрь кунини Гватемалада юз берган ер қўқиси қурбонлари 264 кишига етганили маълум қилинди.

"Биз шу кунгача 264 кишининг жасадини топдик, бедарак йўқолган яна 40 кишининг тақдирини аниқлашга ҳаракат қила-ямиз", деди қутқарув хизмати ходими Хулио Санчес.



Табиий офат сурункали кучли ёнғинлар билан оқибатда юз берди. 120 та уй қўқис остида қолди. Воқеа юзасидан тергов олиб бо-

рилмоқда. Мақсад – огоҳлантиришларга қарамай, бу ерда, барибир, уй-жойлар қурилганининг сабабини аниқлаш.

ЮЗ ЙИЛДАН СЎНГИ ИҚЛИМ...

ТАСС Америка экологлари берган интервьюга таяниб тарқатган хабарда айтилишича, яқин юз йилликда иқлимнинг глобал ўзгариши АҚШ ҳудудида жиддий табиий фалокатлар юз беришига олиб келади.

Олимпларнинг башорати-га қараганда 2100 йилга бориб, дунёдаги уммонларнинг сатхи ками билан 0,2 метрга, кўпи билан 2,4 метрга кўтарилади. Табиати муҳофазаси қилиш халқаро The Nature Conservancy ташкилоти эколог Кристофер Зган-ярнинг фикрича, уммон соҳиллари яқин ҳудудларда яшовчи аҳоли мамлакат ичкарисига кўчади.

Мутахассислар АҚШда борган сари ҳарорат кўтарилишини айтишмоқда. Бу бир қатор штатларда сув танқислигини келтириб чиқаради. "Биз жойларда, жумладан Аляскада қор қатламнинг асосий қисмини йўқотамиз, – дейди

Стенфорд университети профессори Роберт Лемперт. – Тўғри, қор бутунлай йўқолиб кетмас, бироқ, масалан, Калифорниядаги тоғларда қор аввалгисига нисбатан 50-80 фоиз камаяди.

Иқлим ўзгариши ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам таъсир қилади, дейишяпти олимлар. Ўз экотизимларида камчил бўлган жониворлар, жумладан, бақалар, майда сут эмизувчилар қирилиб кетади. Глобал иссиқ ва жаҳон уммонларида кислота микдори ошиб кетиши натижасида маржон қўшлар ҳам нобуд бўлади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Пхи-Пхи ороли

Тайланднинг Пхукет оролидан унча узоқликда бўлмаган Пхи-Пхи архипелаги оҳақтош монолитларидан ҳосил бўлган сўлим ва бетакроп гўшалари билан дунёга машҳур.

Айниқас, архипелагиди олтита оролдан иккитаси: Пхи-Пхи-Дон ва Пхи-Пхи-Лей ўзининг замонавий ва айна пайтда ёввойи табиати билан ажралиб туради. Хатто, оролда инсон қадами етмаган жойлар бор. Пхи-Пхи-Лей орол бўлиш билан бирга, миллий боғ мақомига ҳам эга. Денгиз сувларининг ҳарорати йил бўйи 28-29 даража илқликини сақлаб туради. У ерда қалдирғочлар ин курган тоғ унғури ҳам мавжуд.



Энг чекка ҳудуд

Атлантика океанининг жанубий қисмида жойлашган Тристан-да-Куня архипелаги Британия денгизороти ҳудуди таркибига киради. Унинг пойтахти – Эдинбург.



Биринчи бор архипелаг ҳақидаги маълумотлар 1506 йили португалиялик денгизчи Триштан да Куня кундаликларида қайд этилган эди. Майда оролларида таркиб топан архипелагга орадан 261 йил ўтган француз денгизчилари қадам қўйишган. Бу ердаги энг баян ороллар нуктаси – Кирилик Мария вулкони чўқисидир (2055 м.). Иқлими илқ бўлишига қарамай, оролда бир дона ҳам капалак, судралиб юрвчи ёки сут эмизувчи жониворларни учратиш қийин.

Кўнгил кечинмалари

КУЗ ЁМФИРИ

Кўнғироқ чалиниб, дарслар туғач, қадрдон гўшамга, аниқроғи кўнғил таскин топадиган маҳалламо ошқаман. Дугоналарим билан хайрлашиб, ташқарига чиқар эканман, мўъжизага бой она табиатнинг нақшин-кор суратини кўриб, ҳайратим ошади. Дилдан қувониб, куз фаслининг ўзига хос мафтункор ва жозибали манзарасини кўзларимга чуқурроқ муҳрлашга ҳаракат қиламан. Атроф шундай гўзалки, унинг олтин ранг либосини таърифлашга тил ожиз.

Йўлда кетиб борар эканман, завқим жўшиб, кўкка кўз тикаман. Атиги беш сония кўзларимни юмиб, табиатнинг мусаф-

фо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оламан. Кейин... Кейин юзимдан майин табассумни олиб қочмоқчидек, куздек фусункор фаслдан ёқимли энтикиш завқини мендан қизганган рашқчи шамол тинчимни бузиб, кўз очишга йўл бермас даражада елади. Фалақдан тушган илк томчи юзимга урилади. Навбатдаги томчилар дастлаб аста-секин ва бора-бора шиддатли ёмғирга айланади.

Бутун вужудимга ажиб бир ҳис бағишлаган бу томчилар бир маромда рақсга тушаётгандек. Зимдан кузатсам, кўчада кетаётганларнинг барчаси уй-уйига шошиляпти. Ҳа, ҳисси инсон нигоҳи билан қаралганда,

куз – совуқ, иш ва ташвишларга бой фасл. Бирок, табиатнинг бу инъоми – ҳақиқий мўъжиза, яъни чексиз "илҳом манбаи" эканини англаш қийин эмас. Айниқса, куз ёмғири... Ҳеч бир шоир, ёзувчи, санъаткор, рассом йўқки, ундан илҳомланиб, ижод қилмаса, байтлар тўқиб, хиргойи қилмаса, ранг-баранг бўёқларда суратини акс эттирмаса.

Тавба, буларни юракдан ҳис қилар эканман, негадир томримда қон эмас, чексиз завок, шавқ, хаттоки, бахт мавжлашиб оқаятганга ўхшайди.

Зукра АҲМЕДОВА,
Ангрен политехника
касб-хунар коллежи
талабаси.



Бу – қизик

Тўққиз ойда 25 баробар кенгайди

Россиянинг Пермь ўлкасидаги Соликамскда ер ўпирилиши натижасида ҳосил бўлган жарлик 9 ой ичида 25 баробарга кенгайиб кетди.



Дастлаб унинг ўлчовлари 20 м га 30 м ни ташкил қилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткичлар 122 м га 125 м ни ташкил қилмоқда.

Бу ҳудудда ер ўпирилиши 2014 йилнинг 18 ноябрь кунини содир бўлган эди. Ростехнадзорнинг махсус комиссияси воқеа жойини ўрганиб, ўпирилиш 1995 йилда содир бўлган зилзила оқибати эканлигини аниқлади.

Ҳаёт сабоқлари

У вақтда Саидакром анчагина ёш, аммо удли-шудли, ушлаган жойидан кесадиган йигит бўлгани учун доимо ошиғи олчи, ишонасида ҳам ҳурмати жойида эди.

Ўғиллари Бурхонжон ва Сарвархонлар ҳам катта бўлиб қолишган. Эрталаб нонушта чоғида ҳам, ўқишга кетишганда ҳам бувалари Саидрахмон ота уларга насихат қилгани-қилгани. Бу келини Насибани ахир ҳам ўқимиздан келганча тарбия бераёлмиш-у, – дерди қизишиб.

– Дадажон, набираларингиз энди овқатга ўтиришганда насихатингизни бошлайсиз-а. Ахир уларнинг отаси бор, онаси ҳам ўлмаган. Қўлимиздан келганча тарбия бераёлмиш-у, – дерди қизишиб.

Лутфинисо ая келини ва набиралари чойдан туриб кетишгач, чолига: – Набираларимизни қўяверинг, ота-онаси бор! Худого шукр, ўзлари тарбиялаб олишади, – дея ёзғирарди.

– Эй, кампир, отаси эрта кетиб, кеч келса, онаси уларни эркалатишдан бўшамаса... Ахир улар набираларим. Мен насихат қилмасам, ким йўлга солади.

– Бир-икки йўл-йўриққа солмоқчи бўлиб, келиндан эшитадиганингизни эшитдингиз. Гапингиз ёқмагандан кейин нима фойдаси бор!?

Бир кун Саидрахмон ота набираларини ёнига олиб, узумни хомтоқ қилишга киришди, қайси новдани қаеридан кесишни кўрсатди. Шу пайт қайнонаси билан меҳмондан келган Насибакон ўғилларининг уст-бошини кўрди-ю, вайсая кетди.

– Кийимларингиз кечани юйиб, дазмоллаб, кийгизгандим. Бу нимаси, туркиларингизга қараб бўлмайди-я. Дадажон, ахир дунёнинг ишини қилишариди, набираларингиз?! Нукул менга иш орттиришгани-орттиришгани.

Келинининг бу гапи чолнинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетди:

– Келин, набираларим ёшлигидан меҳнатга ўрганишсин дейман. Мендан кейин ишимни давом эттирадиган ҳам шулар-ку. Фарзандларини меҳнаткаш қилиб тарбиялаган одам қариганда бол ейти, дейишди. Отасининг вақти йўқ. Қўлимдан ишимни олишсин дей-

ман-да. Қачонгача 80 ёшли қария нарвонга чиқиб-тушиб юраман.

Шу вақт Саидакром эшикдан кириб келди. Бўлган гап-сўзларни эшитиб, отасига ётиги билан:

– Дада, сиз айтган замонлар ўтиб кетди. Ҳозир бошқа даврда яшаймиз. Қани айтинг, кўнглингиз нима тусаяпти, муҳайё қиламан. Ойим

рофга кўрк бағишлаб турарди. Ота эса, энди ўғли, келини, набиралари билан илгаригидек гаплашмас, кўпинча вақтини маҳалла чойхонасида ўтказарди.

Шу зайдда 5 йил ўтди. Чол-кампир бандаликни бажо келтиришди. Бир кун Саидакром ўғиллари билан шаҳар чеккасидаги дала ҳовлига дам олишга чиқиб, Вақт пешинга қайнлашгач, бирдан электр ўчиб қолди. Саидакром уни ўзи тузатишга ҳажм қилиб ўғлига:

– Қани, анави ертўладан нарвонни олиб чиқ-чи, – деди-да, йўлак томон юрди. Қайтиб келса, ўғли гўдайдир турибди.

– Қулоғинг қарми, ўғлим, нарвонни олиб кел дедим сенга, – деди жаҳли чиқиб.

– Нарвон дегани нима, дада? – деди ўғли кўзларини пирпиратиб. Саидакром нарвонни ўзи олиб келди-да, ишни битирди.

Ўтган дам олиш кунини катта ўғлига иш буюриб, хизматга кетди. Қайтса, ишга қўл ҳам урилмаган. Хуллас, Саидакром ўғилларига қандай иш буюрмасин, эплаб бажаришолмасди.

Бир кун Саидакром аёли Насиба билан гаплашиб ўтираркан, астагина:

– Насиба, кейинги вақтда дадамни тез-тез эслайдиган бўлиб қолдим. Қачон қарама, Бурхон билан Сарвархонни меҳнатга ўргат деганларидеган эди. Тунов кунини қўшимиз Абдуҳалилникига чиққандим. Ўғилларининг ишга чапдастлигини кўриб, шунақанги ҳавасим келдики, қўяверасан, – деди мунгайганча.

– Тўғри айтасиз, дада-си. Болаларни жуда эркалатиб юбордик, шекилли. Раҳматли дадамнинг билганлари билган экан. Тунов кунини бироз тобим қочди. Нонушта тайёрланглар десам, ака-ўка бир-бирларига қараб бўзайишади, – деди Насиба ҳам ух тортиб.

– Вақтида дадамнинг ўғилларини тушунмаган эканмиз. Мана, ўзимни ёшлиқдан ишга солгандилар. Худого шукр, кам бўлганим йўқ, – деди эзилиб Саидакром.

Шу кунини эр-хотин Саидрахмон отасиз хонадонларидан фойз кўтарилганини ич-ичларидан ҳис этишди.

Неъмат РАФИҚОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзил:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:

thaqiqat@uamail.uz

Телефонлар:

Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар: 233-38-23, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.

Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахрирвати компьютер марказида
терили ва саҳифаланди.Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВАНавбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВАСаҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ